

ТАСДИҚЛАЙМАН

РБИММ Самарқанд минтақавий филиали



А.А. Базаров

08. 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Самарқанд -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети РБИММ Самарқанд минтақавий филиали учун 16 каналли (ЭЭГ) электроэнцефалограф тиббиёт (аппарат) ускунасини сотиб олиш
- 1.2. Танлов қиймати -85 000 000 (Саксон беш миллион) сўм
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

### **Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. РБИММ Самарқанд минтақавий филиали (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳар А.Жомий 58 уй
- 2.2. Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов РБИММ Самарқанд минтақавий филиали Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шумазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
  - Давлат руйхатидан утган санаси (йиллар). Асосий воситалар тугрисида маълумотнома:
  - Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар
  - Танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги:
  - Уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар:
  - Солик ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотлар;
  - Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида маълумот (баланс молиявий натижалар-белгиланган тартибда) аудит ҳулосаси.
  - Объектни жойига чиқиб қурилганлиги тугрисида маълумот ва ишларни уз вақтида топшириш тугрисида қафолат хати;
  - Иштирокчининг узига нисбатан жорий этилган банкрот тартиб тамоилларининг мавжуд эмаслиги инсофсиз ижрочилар ягона реестирида қайд этилмаганлиги тугрисида маълумотнома:

- Ташкилотнинг мавжуд айланма маблаг и тугрисида банк маълумоти хисоб рақамида картотека қарздорлиги тугрисида маълумот йиллик айланма ҳақида маълумот тегишли банкнинг 20% лик қарор хати;

- Ташкилот фаолият юритувчи мутахассис ва техник ходимлар ҳақида батафсил маълумот:

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди; қайта ташкил этилиш (ажралиши қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва Иштирокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжаларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим;

- Техник қисм Буюртмачи томонидан қўйилан техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.5. Танлов иштирокчиси

- Фақат битта таклиф бериши мумкин

- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақиқийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиши ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларни бўзган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб ишрокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат Буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдирлар.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танлов иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан камида 10 кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан этиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юборилиши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан этиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан этиборан 3 иш куни ичида тоанлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилан шартлар асосида тузилади.